

# UAC DIGEST

Март / №1

ISSN 2181-3345

2025

## ДАВЛАТ СИЁСАТИ

КОРРУПЦИЯ ҚАРШИ  
КУРАШИШ МИЛЛИЙ  
МАЪРУЗАСИ ТЎҒРИСИДА

## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ  
ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ  
ТАШКИЛОТИ 5-РАУНД МОНИТОРИНГ  
НАТИЖАЛАРИ

## ҚОНУНЧИЛИК

МАНФААТЛАР  
ТЎҚНАШУВИНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ  
АСОСЛАРИ

“

Ўзбекистон  
ҳалоллик,  
ошқоролик ва  
ҳисобдорлик  
давлат  
бошқарувининг  
асоси бўлган  
коррупциядан  
холи жамият  
қуриш тарафдори  
эканини амалда  
намоён этиб  
келмоқда.

Акико Фужии

КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ  
КУРАШИШ –  
УМУМИЙ МАҚСАД

А. БУРХАНОВ



O'zbekiston Respublikasi  
Korrupsiyaga qarshi  
kurashish agentligi

## **МУНДАРИЖА**

Коррупцияга қарши курашиш — умумий мақсад .....	3
Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришда халқаро медиа форумнинг аҳамияти .....	6
IV Тошкент аксилкоррупция форуми: иштирокчи ва экспертлар нигоҳида .....	9
Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2020—2024 йиллардаги фаолият таҳлили: ислохотлар ва уларнинг натижалари факт ва рақамларда .....	16
Коррупцияга қарши курашиш миллий маърузаси тўғрисида .....	17
Аксилкоррупция лойиҳалари — мавжуд муаммолар таҳлили ва келгуси режалар учун асос .....	19
Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти 5-раунд мониторинг натижалари .....	20
Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик .....	22
Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳияти .....	23
“Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон мазмуни ҳақида .....	26

**ISSN 2181-3345**

О‘zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2021-yil  
15-sentabr kuni ro‘yxatga olingan.  
GUVOHNOMA № 1210.



### АКМАЛ БУРХАНОВ

Коррупцияга қарши  
курашиш агентлиги  
директори

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ – УМУМИЙ МАҚСАД

Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз моделини яратмоқда.

**Биринчидан**, ўтган йилда амалга оширилган маъмурий ислохотлар орқали “қўл” бошқарувидан “автоматик” бошқарув тизимига ўтиш жараёни бошланди. Хусусан, маъмурий ислохотлар натижасида давлат бошқаруви тизимининг муҳим бўғини – ижро этувчи ҳокимият янада ихчамлашиб, такрорланувчи функциялар тугатилди. Энг асосийси, бюрократия қисқартирилди.

**Иккинчидан**, давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий муносабатларининг **олдини олишга** қаратилган **превентив механизмлар** – давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишлари самардорлигини **рейтинг баҳолаш** ҳамда **Очиқлик индекси** жорий этилди. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича “**E-Antikorrupsiya**” лойиҳаси ишга туширилди.



**Учинчидан**, давлат хизматларини кўрсатиш сифати яхшиланди. Жумладан, аҳолидан **73 турдаги** ҳужжат ва маълумотлар талаб қилиниши бекор қилинди. **771 та** давлат хизматларининг **360 дан ортиғи** Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон кўрсатилмоқда, **59 турдаги** давлат хизматларини кўрсатиш олдин **30** кундан **90** кунгача муддатда кўрсатилган бўлса, эндиликда **1** кундан **30** кунгача камайтирилди.

**Тўртинчидан**, рақамлаштириш орқали “инсон омили”ни камайтиришга эришилмоқда. Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ **369 та** лойиҳа амалга оширилди.

**!!**  
**... сўнгги икки йилда Ўзбекистон “Transparency International”нинг Коррупцияни қабул қилиш индексида 19 поғонага юқорилади...**

**Бешинчидан**, коррупцияга қарши курашиш соҳасини такомиллаштириш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида **соҳага тааллуқли 13 та**, шунингдек, **бошқа соҳалардаги** ислохотлар натижасида коррупция омилларини қисқартиришга қаратилган **24 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Қолаверса, Ўзбекистон аллақачон ўзини минтақавий ҳамда халқаро миқёсда коррупцияга қарши курашиш борасидаги илғор ташаббусларни илгари сурувчи ва қўллаб-қувватловчи мамлакат сифатида намоён этиб улгурди. Ўтган йили Тошкент шаҳрида **БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини Марказий Осиёда жадал амалга ошириш бўйича Минтақавий платформа** ишга туширилгани, шунингдек, “**Коррупцияга қарши кураш соҳасида ютуқлари учун**” халқаро мукофотининг тантанали тақдирлаш маросимига мамлакатимиз мезбон бўлгани сўзимнинг исботидир. Яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан яна бир нуфузли тадбир – **IV Халқаро аксилкоррупция форумини** ўтказдик.

Ўзбекистонда илғор халқаро тажриба асосида коррупцияга қарши курашишнинг янги превен-

тив механизмларини жорий этиш изчил давом этмоқда. Хусусан, **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури** ва унинг доирасида **Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинди. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича билимларини оширишга қаратилган Президент қарори асосида **Коррупцияга қарши курашиш Виртуал академиясини ташкил этиш** ва унда мамлакатдаги барча давлат хизматчилари, кенг жамоатчилик доимий равишда коррупцияга қарши билим ва малакасини ошириб бориши белгиланди.

Халқаро ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида **“Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштириш: коррупциянинг олдини олишда инклюзив ёндашув”** ҳамда **“Миллий коррупцияга қарши курашиш экотизимини кучайтириш”** лойиҳаларини ишга туширдик.

Шунингдек, бу йил **Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул Ҳаракатлар режаси доирасида коррупцияга қарши курашиш бўйича 5-раунд мониторингидан ўтказилди** ва мониторинг якунларига кўра мамлакатимизда олиб борилаётган аксилкоррупция сиёсатидаги ижобий тенденциялар юксак эътироф этилди.

Ўтган қисқа вақт ичида агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида **15 та халқаро ташкилот билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, 20 дан ортиқ** хорижий давлатнинг ваколатли идоралари билан ҳамкор-

лик алоқалари ўрнатилди. Уларнинг кўмагида самарадорлик рейтинги ва хавф-хатарларни баҳолашга қаратилган **e-anticor.uz** платформаси, аҳоли мурожаатлари тўғридан-тўғри қабул қилишга қаратилган **Eanticor.uz** платформаси ва **мобил иловаси**, “Очиқлик индекси”ни баҳолашни рақамлаштирган **“Open.index”** платформаси, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка масъул ходимлари малакасини оширишга қаратилган **“E-learning”** таълим платформаси ишга туширилди.

Кўрилаётган чоралар натижасида аҳолида коррупцияга қарши муросасиз муҳит пайдо бўлди, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланди.

Жумладан, сўнгги икки йилда **“Transparency International”**нинг Коррупцияни қабул қилиш индексида **19** поғонага, **TRACE bribery Matrix** индексида **16** поғонага, **“World Justice Project”** ташкилотининг “Ҳуқуқ устуворлиги” индексида **2** поғонага кўтарилди. **“Open Data Inventory”** Очиқ маълумотлар рейтингиде эса Ўзбекистон **70 балл** билан жаҳонда 30-ўринни, Марказий Осиёда **1-ўринни** эгаллади.

Албатта, бу йўлда ҳали яна кўп ишлар қилиниши кераклигини барчамиз яхши англаб турибмиз. Ҳар қанча мураккаб бўлмасин, коррупцияга қарши муросасизликни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни тўхтатмасак, ортга қайтмасак, Ўзбекистонда коррупциядан холи жамият барпо этиш умумий орзу-интилиш реал воқеликка айланишига ишонаман.

ЎЗБЕКИСТОН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА



ЎЗБЕКИСТОН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА





## ШЕРЗОД САПАРОВ

Коррупцияга қарши  
курашиш агентлиги  
матбуот котиби

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ХАЛҚАРО МЕДИА ФОРУМНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахборот соҳасини ривожлантириш, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очиш орқали медиа воситалари вакилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимий устувор вазифа бўлиб келмоқда.

Хусусан, ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича журналистлар имкониятларидан унумли фойдаланиш ва улар таъсирини янада ошириш мақсадида Аксилкоррупция медиафорумини ўтказиш таклифи илгари сурилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бу бежиз эмас. Чунки бугунги кунда фаол журналист ва блогерларнинг қатъий позицияси, ҳаққонийлик ва холислик билан ҳаётимиздаги ўткир муаммоларни ҳал этиш, ислохотларимизнинг самарасини ошириш, юртдошларимизнинг фикрини, дунёқарашини юксалтиришга интилиши билан коррупция муаммоси ҳам ОАВнинг асосий фокусидаги мавзулардан бирига айланиб, раҳбар ва мутасаддиларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланишга мажбур қилмоқда.



Оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу иллатга мурасасиз курашишда, хусусан, Коррупция қарши курашиш агентлигининг асосий ҳамкори, маслақдошидир. Бу йўлда мақсадимиз бир, вазифа ва саъй-ҳаракатларимиз умумий. Шунинг учун мазкур форум орқали улар билан ҳамкорликдаги масалаларга яна бир карра эътибор қаратилиб, олдимизда турган саволлар ва муаммолар муҳокама қилинди, шунингдек, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Форумнинг асосий мақсади ҳам коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, бу борада глобал/маҳаллий муаммолар ва уларнинг ечимларни муҳокама қилиш, жамиятда шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш бўйича қўшма ташаббусларни ишлаб чиқиш, сўз эркинлиги ва журналистлар ҳимоясини кучайтириш ва бу борада илғор хорижий тажрибалар билан яқиндан танишиб, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун платформа яратишдан иборат бўлди.

“Давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда ОАВнинг роли”-га бағишланган дастлабки сессиясида сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ҳамда эришилган натижалар халқаро ҳамжамият эътиборига етказилди.

“Transparency International LATVIA” ижрочи директори (Латвия) Инесе Таурина мамлакатимизнинг очиқлик сиёсатидаги ютуқларни, хусусан, Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингиде 195 та мамлакат орасида 70 балл билан 30-ўринга кўтарилиб, Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолгани, (“**Open Data Interception**” маълумотида кўра) Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида очиқ маълумотлар манбалари сони бўйича жаҳонда 4-ўринни эгаллаганини алоҳида эътироф этди. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси ҳамкорлик бўлими бошлиғи Вим Риепма эса мамлакатда ижтимоий аҳамиятга



## II Оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу иллатга мурасасиз курашишда, хусусан, Коррупция қарши курашиш агентлигининг асосий ҳамкори, маслақдошидир

молик маълумотлар очиқланиши ва ҳукумат ҳисобдорлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда ижобий қадамлар ташланганини таъкидлади.

**“Ахборот этикаси: замонавий медиа учун чакирув ва ечимлар”** мавзусидаги навбатдаги сессияда иштирок этган БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги таҳририяти, копирайтерлик ва алоқа бўйича маслаҳатчиси **Жеймс Ралф Бриндлига** кўра, Австралияда журналистика ва ахборот этикасига таъсир қилувчи қонунлар, жумладан, шахс ёки ташкилотларни ёлғон баёнотлардан ҳимоя қилиш, жамоат манфаати ва шахсий дахлсизликни мувозанатлаш, журналистларнинг қандай маълумотларга кира олишини батафсил тушунтириш, соҳа вакиллари-нинг одил судловга тўсқинлик қилишини ман этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари мавжуд. **Блогер Хушнуд Худойбердиев** Ўзбекистонда коррупцион ҳолатларни фош этишда журналистлар ҳимоясини кучайтириш, бунда, аввало, қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги, қолаверса, соҳада малакали медиа адвокатларга ҳам юқори эҳтиёж сезилаётганига тўхталиб ўтди.

**“Таҳлилий журналистика истиқболлари ва журналистик суриштирувларнинг роли”** мавзусидаги сессия давомида kun.uz интернет

нашри журналисти **Фаррух Абдусаттаров** айтдики, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш йўналишида журналистик суриштирув олиб боровчи ОАВ инсон ресурси, вақт ва моддият билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Кўплаб давлат ташкилотлари ОАВда кўтарилган масалага ечим излашга бефарқлиги, муаммо ҳақида хабар берган шахсларга, баъзида ОАВларнинг ўзига ҳам турли босимлар қилиниши каби ҳолатлар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлади.

Форум якунида шу каби муҳим фикрлар, долзарб таклифлар ва қизғин баҳс-мунозаралар асосида коррупцияга қарши курашиш мавзусини кенг ёритишда журналистларнинг малакасини ошириш, хусусан, соҳада суриштирув журналистикасини ривожлантириш, глобал миқёсда коррупцияга қарши курашишда асосий қурол сифатида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш бўйича янги ёндашув, тавсия ва стратегиялар ишлаб чиқилди. Қолаверса, форум бу йўналишда журналист ва блогерлар, халқаро ташкилотлар, экспертлар, хорижий давлатларнинг медиа соҳаси вакиллари ва кенг жамоатчилик учун янги вазифаларни белгилаб, асосий ҳаракат режаларини тузиб олиш имконини бергани билан ҳам янада аҳамиятли бўлди.



## V ТОШКЕНТ АКСИЛКОРРУПЦИЯ ФОРУМИ: ИШТИРОКЧИ ВА ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Тошкент аксилкоррупция форуми сўнгги тўрт йил ичида **коррупцияга қарши курашиш бўйича баҳслардан амалий ҳаракатларга ўтишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган муҳим платформага айланиб улгурди.**

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан йўлга қўйилган мазкур янги формат бу йил 10 та хорижий мамлакатнинг аксилкоррупция идоралари ва 10 дан зиёд халқаро ташкилотларнинг 250 нафар вакиллари ягона мақсад – коррупцияга қарши курашишда дахлдорликни янада кучайтириш йўлида бирлаштирди.

Форум соҳадаги долзарб масалалар ва чақириқларни муҳокама қилиш, биргаликдаги ҳаракатлар учун аниқ режаларни белгилаб олиш, шунингдек, Ўзбекистонда давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан замонавий тенденциялар асосида олиб борилаётган муҳим ислохотлар натижаларини халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этишга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**АКМАЛ БУРХАНОВ,**

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори:

Коррупцияга қарши кураш жаҳон мамлакатлари ва инсоният учун умумий ҳаракат, ягона мақсад бўлиб келмоқда. Ушбу форум орқали ана шу истак ва интилишни амалга ошириш учун муҳим мулоқот майдони яратишни кўзлаганмиз ва бу бесамар кетмаяпти. Чунки форум мамлакатимиз мисолида коррупцияга қарши курашишнинг янги превентив механизмларини жорий этишга катта ёрдам бермоқда. Хусусан, ўтган йили форумда илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар асосида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023–2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниб, унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Давлат раҳбарининг тегишли қарори билан аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича билимларини оширишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш Виртуал академиясини ташкил этиш белгиланди. Халқаро ва ҳамкор ташкилотлар



қўмагида “Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштириш: коррупциянинг олдини олишда инклюзив ёндашув” ҳамда “Миллий коррупцияга қарши курашиш экотизимини кучайтириш” лойиҳаларини ишга туширдик.

Ўйлайманки, бу галги форум ҳам нафақат Ўзбекистон учун, балки тадбирда иштирок этган барча давлатлар ва ташкилотлар учун ҳам ўзаро манфаатли ечимларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш имконини беради.

**ОЛИВЕР СТОЛП,**

БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка

қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили:

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга содиқлик, шаффофлик, очиқлик, фуқаролик жамияти яхши йўлга қўйилган. Ўтган йили мамлакатингиз халқаро коррупцияга қарши курашиш бўйича юсак мукофотнинг тантанали тақдирлаш маросимида мезбонлик қилди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Минтақавий платформа ишга туширилди. Аксилкоррупция форумини ўтказиш анъана тусини олган. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг аксилкоррупция сиёсати самараси ва эътирофидир.

Президент Шавкат Мирзиёев айниқса ёш авлод онгига ҳалоллик вакцинасини сингдириш



муҳимлигини таъкидлаган эди. Бу борада, хусусан, коррупцияга қарши курашиш таълим дастурини ишлаб чиқиш ва уни ёшлар орасида

татбиқ этиш керак. Ўзбекистон айти йўналишда Президент ташаббуси асосида ёшларда коррупцияга мурасасизлик кайфиятини шакллантиришга қаратилган глобал ресурс – GRACE дастурини амалга ошириш ишларини бошлаб юборгани олқишга сазовор. Эрта ёшдан ахлоқий қадриятларни сингдириш орқали нафақат

коррупцияга қарши курашнинг аҳамиятини тушунадиган, балки ушбу стандартларни сақлашда фаол иштирок этадиган авлодни тарбиялаш мумкин. Ташкилотимиз бу каби муҳим саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш орқали Ўзбекистон билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни узвий давом эттиришга ҳар доим тайёр.



”  
Ушбу Форум мақсад ва вазифаларимизга янги назар, катта куч ва янада масъулият билан ёндашишга ундади.

**АКИКО ФУЖИИ,**

**БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги Доимий вакиласи:**

Минтақавий ва маҳаллий даражада коррупциянинг олдини олиш учун у энг сезиларли ва одамларга бевосита таъсир кўрсатадиган соҳаларда мунтазам саъй-ҳаракатлар олиб борилиши керак. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органларида ҳалоллик соҳасидаги институционал салоҳиятни оширишни талаб этади. Ўзбекистон ҳалоллик, ошкоралик ва ҳисобдорлик давлат бошқарувининг асоси бўлган коррупциядан холи жамият қуриш тарафдори эканини амалда намоён этиб келмоқда. Мамлакатингизда коррупцияга

қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза орқали кенг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб келинаётгани бунга ёрқин мисол. Бу очиқлик ва шаффофлик томон муҳим силжишдир. Биз Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан узоқ вақтдан бери турли йўналишларда, жумладан, давлат секторида коррупцияга қарши курашиш учун турли рақамли ечимларни биргаликда ишлаб чиқмоқдамиз. Ушбу форум мақсад ва вазифаларимизга янги назар, катта куч ва янада масъулият билан ёндашишга ундади.



**ТУЙЯ БРАКС,**  
Финляндия Қонун устуворлиги маркази  
раҳбари:



**САМУЭЛЬ БВАНА,**  
Жаҳон банки ҳалоллик вице-президентлиги  
менежери:

Финляндияда фуқаролик жамияти институтлари коррупцияга нисбатан мурасасизлик муҳитини яратишда фаол. Мамлакатимизда 100 000 дан ортиқ нодавлат ношижорат ташкилот фаолият юритади, бу ҳар 4 нафар фин фуқаросининг 3 нафари ихтиёрий равишда бундай ташкилотлар ишида иштирок этишини англатади. **Коррупциявий ҳолатларни аниқлашда мустақил бўлган медианинг ҳам ўрни катта.** 2020 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, **Финляндия ОАВ мустақиллиги бўйича дунёда 2-ўринни эгаллаган.** Фуқаролик жамияти ва ҳукумат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш учун бутун давлат секторини қамраб олган Очиқ ҳукумат ҳаракат режаси мавжуд. Аммо булар Финляндиянинг коррупциядан холи мамлакат эканлигини англатмайди. Бизда ҳам яширин, яъни маҳаллий даражада коррупция бор. Демак, давлат ва жамият ислоҳини қуйидан бошлаш муҳим. Ўзбекистон бу борада тўғри йўлдан бормоқда. Соҳада аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимини ошириб боришнинг узлуксиз тизимини яратиш мақсадида коррупцияга қарши Виртуал академия ташкил этилаётганини бунга асос дея оламан. Бу ташаббус барча даража ва бўғинда коррупциянинг олдини олишга катта ёрдам беради. Шахсан мен Финляндия тажрибаси асосида ишлаб чиқилган **“Маҳаллий бошқарувда коррупцияга қарши кураш”** номли қўлланма ва бошқа тадқиқотларимиз Академия ўқув дастури учун фойдали бўлади деб ўйлайман.

Коррупцияга қарши курашишда сунъий интеллект, блокчейн варақамли технологиялар билан янги давр бошланмоқда. Масалан, давлат харидларида сунъий интеллектдан фойдаланиш шаффофликни ошириб, жамоатчилик назоратини кучайтирмоқда, қолаверса, катта миқдордаги ахборотдан фойдаланишда қулайликлар яратмоқда.

Ўзбекистонда ҳам электрон ҳукуматни жорий этиш орқали ахборотларни тезкор таҳлил қилиш, ортиқча қоғозбозликларга чек қўйиш ва шаффофликни оширишга эришилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Форумда коррупцияга қарши курашиш соҳасида фойдаланилаётган ахборот технологиялари тўғрисида янада батафсил маълумот берилди. Масалан, “Коррупцияга қарши курашиш” ягона ахборот комплекси, “Давлат харидлари мониторинги”, “Бюджет ташкилотларида иш ҳақи мониторинги” модуллари, “Глобус” ахборот тизими жорий этилиши, ўйлайманки, мамлакатда рақамли технологияларнинг коррупциянинг олдини олишдаги катта ўрнини кўрсатиб беради. Ўзбекистондаги коррупцияга қарши курашиш жараёнлари ривожига бундан буён ҳам фаол кўмаклашамиз, бунинг асоси ва исботи сифатида форум доирасида мамлакатнинг Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ўзаро англашув Меморандумини имзоладик. Ушбу ҳужжатда ўзаро ҳамкорлигимизнинг янги йўналишларини, умумий мақсад ва вазифаларимизни аниқравшан белгилаб олдик.



#### УЛАН САРКУЛОВ,

Қозоғистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги раисининг биринчи ўринбосари:

Қозоғистонда 2015 йилдан давлат хизматчиларитомонидан ўзхизматвазифалари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилса, лавозимидан озод қилиниши тизими жорий этилган. Натижада ўтган йилнинг ўзида давлат хизматида **266 та** манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланиб, тўлиқ бартараф этилди, **2 мингдан** зиёд коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланди. **2022–2024 йилларда** комплаенс назорат тузилмалари томонидан молиявий қонун бузилиши ҳолатлари бўйича **6200 та ўрганиш ишлари** олиб борилди, назорат тузилмалари учун кадрлар тайёрлашга ихтисослашган **2 та магистратура** йўналишлари очилди.

Ўзбекистон бу каби йўналишларда қисқа вақт ичида катта тажриба орттиришга муваффақ бўляпти. Масалан, бугунги кунда мамлакатда **117 та** давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари жорий этилгани, **60 та** идоранинг коррупцияга қарши бошқарув тизими ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлиги тасдиқлангани ортиқча изоҳга ҳожат қолдирмайди. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолашга қаратилган **E-Anticor.uz** платформаси, яқинда кучга кирадиган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ва ундан ўрин олган тартиб-қоидалар ҳам алоҳида эътиборимни тортди. Тан олиш керак, Ўзбекистоннинг аксилкоррупция сиёсатида бундай илғор ютуқлар салмоқли ва бошқа



#### ТАМТА КАЧКАШВИЛИ,

Грузия коррупцияга қарши курашиш бюроси директорининг биринчи ўринбосари:

мамлакатлар унинг амалиётидан ўрганадиган, такомиллаштирадиган жиҳатлар ҳам талайгина.

Грузияда Коррупцияга қарши курашиш бюроси **мустақил**, фақат Президент олдида ҳисобдор. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ўхшашликларимиз кўп. Бу йил идораларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди ва унинг асосий йўналишларидан бири коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда тажриба алмашиш саналади. Форумдаги иштирокимиз биргаликдаги мақсад ва саъй-ҳаракатларимизнинг натижасидир.

Форум орқали Ўзбекистоннинг аксилкоррупция ислоҳотлари самарасига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Дунёнинг турли нуқталаридан етакчи экспертлар, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ва ҳукумат вакиллари бир манзилга жамлаб, уларнинг эътиборини коррупция муаммоларига қаратиш, янада фаолликка ундаш, ҳамкорликка чорлаш қанчалик қатъият ва журъат, ташаббус талаб қилишини яхши англайман. Бунинг учун, аввало, ташаббускор мамлакатнинг ўзи соҳада эътироф ва намунага арзигулик бўлиши керак. Ўзбекистон бу жиҳатдан ижобий хулосаларга муносиб ва буни форум иштирокчилари ҳам яна бор тасдиқлашди.

**ЛИУ ШУО,  
Хитой Халқ Республикаси  
Назорат бўйича  
миллий комиссияси  
бош директорининг  
котибияти раҳбари:**



2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан комиссиямиз ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган. Шундан буён давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат хизматчиларини коррупцияга қарши мунтазам ўқитиш, давлат хизматида шаффофликни таъминлаш каби қатор йўналишларда ўзаро алоқаларимиз тобора ривожланиб бормоқда.

Форум орқали ҳамкорликдаги ишларимизни яна бир муҳокама қилиб олдик. Жумладан, Ўзбекистонда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш Виртуал академияси доирасида

давлат хизматчилари учун ҳалоллик масалалари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бизнинг экспертларимиз ҳам яқиндан ёрдамлашиб, ўз тажрибаси билан ўртоқлашади. 2025 йилги кенг қамровли идоралараро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва имзолаш юзасидан ҳам келишувга эришдик. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида БМТ ГЖБ кўмагида амалга оширилган “Ипак йўли Иқтисодий Камари бўйлаб жойлашган давлатларда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш орқали барқарор ривожланишга кўмаклашиш” лойиҳаси бўйича ҳамкорлигимиз ҳам изчил давом этади.

**ЭЛАНАС ЯБЛОНКАС,**  
Литва махсус тергов хизмати  
директорининг ўринбосари:



Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида рақамли технологиялар имкониятларидан унумли фойдаланишга катта эътибор ва ҳаракатни кўряпман. Мисол учун, давлат харидлари, қурилиш, электрон савдо соҳаларига ахборот технологияларининг жорий қилинган ёки давлат хизматларини рақамлаштириш орқали давлат хизматчилари ва фуқаролар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқот камайтирилмоқда экан. Бундан ташқари, мамлакатда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқиш ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Литвада шу йилдан бошлаб қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизасидан ўтказиш амалиётида сунъий интеллект технологияси жорий қилинди. Бу орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни реал

вақт режимида таҳлил қилиш, мавжуд ёки эҳтимолий коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш имконияти яратилди. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашдик, ўз тавсия ва таклифларимизни ҳам билдирдик. Мулоқотлар мобайнида мамлакатингизда коррупцияга қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот технологияларни татбиқ этиш бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши кераклиги, катта режа ва мақсадлар борлигига амин бўлдим. Энг асосийси, буларни муваффақиятли амалга ошириш учун кучли истак, зарур имконият ва салоҳият борлигига ишончим янада ортди.



Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг  
Жамоатчилик билан алоқалар, муурожаатлар  
билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик  
бошқармаси масъул ходими



## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА 2020–2024 ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ФАКТБУК: ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз моделини яратмоқда ҳамда мазкур натижаларнинг асосий ижрочилари коррупцияга қарши курашишга масъул идоралар, давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва кенг жамоатчилик ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юртимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим превентив механизмлар яратилганлиги, давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берувчи мазкур фактбукни ҳар йили янгилан бориш, такомиллаштириш ижобий аънамага айланмоқда.

Айниқса, нашрнинг Халқаро аксилкоррупция форуми арафасида чоп этилиши хорижий эксперт ва

мутахассисларга коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг энг муҳим жиҳатлари қисқа, тушунарли тарзда етказиб берилишини таъминламоқда.

Шунингдек, фактбукдан ўрин олган маълумотлар тизимли равишда мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилган бўлиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилган даврдан бошлаб унинг норма ижодкорлиги, фуқаролар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан биргаликда амалга оширган лойиҳаларига барчаси ўрин олган.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этиладиган ушбу китобнинг афзалликларидан яна бири уни тушуниш учун махсус билим талаб қилинмаслиги ҳисобланади. Нашр тилининг равонлиги исталган китобхоннинг фактбукдан ўрин эгаллаган маълумотларнинг мазмун-моҳияти, умуман олганда, китобнинг мақсадини тезда англашига замин яратади.



**Илхом Абдуллаев**

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими масъул ходими

## КОРРУПЦИЯ ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ МАЪРУЗАСИ ТЎҒРИСИДА

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маъруза мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида жамиятимизга ахборот етказувчи муҳим воситалардан бирига айланмоқда.

Шу вақтга қадар **3 та** Миллий маъруза (2021, 2022 ва 2023 йил учун) Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқилиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ахбороти эшитилди.

Миллий маъруза Ўзбекистон тажрибасида янги амалиёт бўлишига қарамай, унинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда, хусусан, Миллий маърузанинг Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилганлиги ҳам бунга тасдиқлайди.

Жумладан, Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги **миллий маърузани** эшитиш белгиланди.

Миллий маъруза Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрланиб, унда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ислохотлар

ва комплекс чора-тадбирлар, хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши, соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияга оид жиноятчилик тенденцияси, халқаро рейтинг ва индекслар натижалари, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, Миллий маърузадан кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлар, давлат органлари вакиллари, мустақил экспертлар, рейтинг агентликлари, жамоат фаоллари, олимлар ва бошқа манфаатдор шахслар фойдаланишлари учун 3 та тилда таржима қилиниб Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Ҳар йилги миллий маърузалар коррупцияга қарши курашиш сиёсатидан келиб чиққан ҳолда соҳада амалга оширилаётган ислохотларга қараб олдинги йилларга нисбатан ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга бўлади.

Масалан, коррупцияга оид жиноятчилик ҳолати, қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолияти ҳар йили миллий маърузага киритилса, ўтказилган тадқиқотлар, таҳлиллар натижалари ҳамда янги ислохотлар айнан амалга оширилган йилдаги Миллий маърузада акс эттирилади.



”

**Миллий маъруза Ўзбекистон тажрибасида янги амалиёт бўлишига қарамасдан ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича учинчи Миллий маъруза дастлаб 2024 йил 10 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, 22 сентябрда Олий Мажлис Сенатида атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар, ўтган йилги Миллий маърузадан фарқли равишда, бу йилги Миллий маъруза коррупцияга қарши курашиш борасидаги қилинган амалий ишлар, ислохотларнинг ҳудудлардаги ижроси, эксперимент тарзида бошланган лойиҳалар натижаси, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий механизмлар (кор-

рупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, давлат органларининг очиқлик индекси) яратилганлиги каби кўплаб замонавий ёндашувлар ўрин олганлиги алоҳида эътироф этилди.

Миллий маърузанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уни Олий Мажлис Палаталарида кўриб чиқиш якуни бўйича ҳар бир Палатанинг алоҳида қарорлари қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашишдаги айрим муаммоларни барта-раф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.



## АКСИЛКОРРУПЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ – МАВЖУД МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР УЧУН АСОС

**Л.СТАЙШЮНАЙТЕ**

“Юксалиш” ҳаракати лойиҳа менежери, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзоси

Ҳар қандай муаммонинг илдизини аниқлаш, аввало, уни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни ўрганишдан бошланади. Коррупцияга қарши курашиш ҳам энг сўнгги маълумотлар, таҳлиллар, тенденцияларнинг ўзгариш динамикаси шу каби бир қанча мураккаб ва пухта бўлган изланишларга таянади.

Мазкур изланишларнинг муҳим аҳамиятини англаб етган ҳолда бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шулардан бири Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, “Юксалиш” ҳаракати ҳамда “Минтақавий мулоқот” халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Аксилкоррупция лабораторияси” ҳисобланади.

Жорий йилнинг 30 октябрь кунини пойтахтимизда бошланғич мактабга қабул қилишда коррупция хавфини камайтириш бўйича тавсияларнинг амалга оширилишини баҳолашга бағишланган жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди. Учрашувдан кўзланган мақсад 2021 йилда бошланғич мактабга болаларни қабул қилишда коррупция хавфини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот яқунлари асосида Мактабгача таълим вазирлигига таклиф этилган тавсияларнинг ижроси мониторинги натижаларини муҳокама қилишдан иборат.

Аниқланган коррупциявий хавф омиллари учун уларнинг бирламчи аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 29 та чора-тадбирни қамраб олган 10 та асосий тавсия ишлаб чиқилган. Ишчи гуруҳи томонидан тадқиқотдан уч йил ўтиб нималар ўзгаргани, мактабга қабул қилиш, молиялаштириш, инфратузилмани ривожлантириш жараёнларининг шаффофлик ҳолати таҳлил қилинди. Тадқиқот шунини кўрсатдики, мамлакатдаги мактабларнинг 88 фоиздан ортиғи мактабга қабул

қилишнинг рақамли хизмати билан қамраб олинмаган. Бу шунингдек, республикадаги аксарият мактабларга ота-оналар шахсан ариза беришлари керак, бу эса мактабга қабул қилишда коррупция хавфи сақланиб қолганлигидан далолат беради. Аниқланган камчилик ва заифликлар таълимдан тенг фойдаланиш тамойилларини ҳимоя қилиш учун қўшимча чора-тадбирлар зарурлигини таъкидлайди.

Тадқиқот, шунингдек, тавсия этилган амалиётларга риоя қилиш коррупция хавфини камайтиришга ёрдам беришини кўрсатди, аммо доимий мониторинг ва мослаштиришни талаб қилади. Ушбу хулосалар таълимда коррупцияга қарши сиёсат соҳасида янада самарали стратегияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тадбир доирасида экспертлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинди. Жумладан, ажратилаётган молиявий ресурсларнинг шаффофлиги, етарлигини таъминлайдиган ягона очик маълумотлар платформасини ишлаб чиқиш, мактабларнинг эҳтиёжлари, тушумлари, харажатларини акс эттирувчи ягона шаффоф платформани яратиш, ўқитувчиларнинг иш ҳақи мавзусида таҳлилий тадқиқот ўтказиш, ахлоқий етакчиликни жорий этишни қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлигига урғу берилди.

Шунингдек, республикадаги барча мактабларни онлайн қабул платформаси билан қамраб олишни таъминлаш, ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш, мактаблардаги тирбандликни камайтириш, педагогик карьерани режалаштираётган абитуриентларни университетларга имтиёзли қабул қилиш чора-тадбирларини тўлиқ яқунига етказиш лозимлиги қайд этилди.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ 5-РАУНД МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Акмал Муратов**

**Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси масъул ходими**

Жорий йили Ўзбекистон Республикаси делегацияси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Аксилкоррупция тармоғи томонидан Париж шаҳрида ташкил этилган Истанбул ҳаракатлар режаси 23-мониторинг йиғилиши ва Кузатув кенгашининг 29-мажлисида иштирок этди.

Маълумот учун: Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётли мамлакатларни бирлаштирувчи халқаро иқтисодий ташкилот бўлиб, сиёсий ва иқтисодий ислохотларга кўмаклашиш ҳамда барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. *ИХТТ 1961 йилда таъсис этилган*, ҳозирги кунда унга АҚШ, Германия, Япония сингари 38 та давлат аъзо ҳисобланади. ИХТТ иқтисодий ривожланиш, халқаро савдо, солиқ сиёсати, таълим ва, албатта, коррупцияга қарши курашиш каби бир қатор йўналишларда фаол иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг тадбирларда иштирок этишидан кўзланган мақсад коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жорий ютуқлар ва ташаббусларни тақдим этиш, янги баҳолаш услубиёти асосида миллий коррупцияга қарши курашиш амалиётининг ИХТТ халқаро стандартларига мувофиқлигини муҳокама қилиш, шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа бир қатор мамлакатлар бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси ҳисоботини тинглаш бўлди.

Маълумот учун: Истанбул ҳаракатлар режаси (ИХР) 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, уни имзолаган мамлакатларда коррупциянинг олдини олиш ва демократик институтларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегик ҳужжатдир. Ушбу режа доирасида ИХТТ коррупцияга қарши стандартларнинг бажарилишини назорат қилади, мунтазам равишда йиғилишлар ва учрашувлар ўтказди. Мазкур тадбирларда, ўз навбатида, муваффақиятли амалиётлар ва коррупцияга қарши курашиш саъй-ҳаракатларини такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинади.

”

**Истанбул ҳаракатлар режаси (ИХР) 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, уни имзолаган мамлакатларда коррупциянинг олдини олиш ва демократик институтларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегик ҳужжатдир.**

Шу билан бирга, Ўзбекистон томонидан ИХТТга батафсил ҳисобот тақдим этилди, унда миллий қонунчиликка киритилган коррупцияга қарши сиёсатнинг асосий тамойиллари, давлат органларининг шаффофлигини ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича амалга оширилган дастурлар ҳамда ташаббуслар, коррупциянинг жорий хавф-хатарларини баҳолаш ва уларни камайтириш учун кўрилатган чоралар, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти ва хусусий сектор билан ҳамкорлик тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилди.

Йиғилишлар давомида коррупцияга қарши курашиш тизими доирасида 9 та соҳа: коррупцияга қарши сиёсат, манфаатлар тўқнашуви ва активлар декларацияси, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш, бизнесдаги ҳалоллик, оммавий харидларда ҳалоллик, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, прокуратура органларининг мустақиллиги, коррупцияга қарши курашишга ихтисослаштирилган институтлар, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликка тортиш йўналишлари баҳоланиб, ҳар бир йўналиш халқаро стандартларга мослиги ўрганиб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот учрашувлари жараёнида Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори баҳоланиб, ИХТТ вакиллари томонидан мамлакатимиздаги сўнгги

йилларда олиб борилаётган ислохотлар ижобий тенденцияси алоҳида эътироф этилди. Шу жумладан, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ошганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мониторинг гуруҳи томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион усулларни жорий этиш, давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, бошқарувнинг барча даражаларида шаффофлик ва масъулиятни оширишга қаратилган бир қатор конструктив тавсиялар илгари сурилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Истанбул ҳаракатлар режасининг 23-мониторинг йиғилиши ва Кузатув кенгашининг 29-йиғилишида иштироки халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва коррупцияга қарши курашишда эришилган ютуқларни кўрсатишда муҳим қадам бўлди. ИХТТ вакиллари олинган юқори баҳо Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсати Марказий Осиёдаги энг самарали сиёсатлардан бири эканлигини тасдиқлади. Бу, ўз навбатида, коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишда фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг муҳим ўрнини кўрсатди.





## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

**Дилфуза Абулҳасан**

БМТ Тараққиёт дастури, лойиҳа раҳбари

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, жамиятда бундай хавфли иллатнинг вужудга келиши ва илдизотишига йўл қўймаслик мақсадида биргаликда кўплаб лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Агентлик ва БМТ Тараққиёт дастурининг Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган **“Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий экотизимни мустаҳкамлаш”** лойиҳаси доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида фаолият кўрсатувчи фуқаролик жамияти институтлари ўртасида **“Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш”** мавзусидаги танлов ҳам ана шундай лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги лойиҳа илк маротаба ўтказилаётгани йўқ, албатта. Бунгача 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида **“Фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашиш ва олдини олишда инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнига жалб қилиш”** мавзусида қўшма танлов ўтказилган

Шунингдек, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда грант ва ижтимоий буюртмалар эълон қилиниб, мамлакатимизда фаолият юритаётган

ННТлар билан ҳамкорликда 9 та лойиҳа учун 70 минг АҚШ доллари ажратилган.

Ғолиб бўлган ННТларнинг аксарияти ҳудудларда (11 та ННТнинг 5 таси Сирдарё, Фарғона, Навоий, Бухоро вилоятларида) фаолият олиб боради.

Лойиҳалар натижасида аёллар ва ёшларнинг коррупцияга оид билимлари оширилди, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун қўлланмалар, Аксилкоррупция комикслар тўплами тайёрланди.

Жорий йилда эълон қилинган **“Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий экотизимни мустаҳкамлаш”** лойиҳасини ўтказишдан мақсад коррупцияга қарши курашиш тизими самардорлигини ошириш, коррупцияга қарши чоратадбирларни ишлаб чиқишда фуқаролик институтларини кенг жалб этиш ва уларнинг ғояларини амалга жорий этиш жараёнида республика-мизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли қатламларини жалб этишдан иборат.

Танловнинг асосий вазифалари сифатида фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати доирасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, коррупция ва унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари бўйича аҳоли орасида сўровномалар ва тадқиқотлар ўтказиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг коррупцион ҳолатларга дуч келганларида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида механизмлар ишлаб чиқиш лойиҳаларини техник қўллаб-қувватлаб, амалиётга жорий этишда кўмакчи бўлиш десак тўғри бўлади.

Танлов давомида 40 дан ортиқ миллий нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан аризалар келиб тушганлиги фуқаролик жамияти институтлари коррупцияга қарши курашиш жараёнларига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратаётганлиги, жамиятнинг фаол қатлами сифатида бу жараёнларда марказий ўрин эгаллаб бораётганини яна бир бор кўрсатмоқда.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Нодира Самандарова

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Коррупциянинг олдини олиш ва «комплаенс назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси масъул ходими

2024 йилнинг 5 июнь кuni коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди (ЎРҚ-931-сон, 5 та боб, 33 та моддадан иборат).

Ушбу Қонуннинг мақсади манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, коррупциянинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини таъминлайди.

Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, **Қонун нормалари тўлиқ татбиқ этиладиган субъектлар** сифатида давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат муассалари, давлат унитар корхоналари, давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари белгиланди.

Ўз устав фондида (устав капиталида) давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ўз устав фондида (устав капиталида) ушбу модда учинчи қисми иккинчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотлар улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан **фақат уларнинг давлат харидлари** соҳасидаги муносабатларига татбиқ этилиши белгиланди.

Дастлаб “манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига 2017 йил 3 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддаси-

да таъриф берилган бўлса, ушбу Қонунда қуйидагича баён этилиб, мазмунан тўлдирилди:

**“манфаатлар тўқнашуви”** – *“шахснинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият”.*

Ушбу муносабатларни тартибга солишнинг **асосий принциплари** сифатида қонунийлик; фуқаролар, ташкилотлар, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; холислик; коррупцияга нисбатан муросасизлик принциплари белгиланди.

Давлат органи ёки бошқа ташкилот **ходими-га алоқадор шахслар тоифалари** белгиланиб, унга кўра, ходимнинг яқин қариндошлари, ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари устав фонд (устав капитал) акцияларига ёки улушларга эгалик қиладиган, шунингдек, бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахслар алоқадор шахслар сифатида белгиланди.

Ходим ҳамда алоқадор шахслар **ҳуқуқ ва мажбуриятлари**, шунингдек, ходим фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича **чекловлар** аниқ белгилаб қўйилди.



”

**... мазкур Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувида манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини ўрнатиши билан бир қаторда давлат хизматчилари ҳалоллигини, улар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишга ёрдам беради**

Жумладан, **ходим** ўз лавозим мажбуриятлари ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши, бунда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги, мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўзининг бевосита раҳбарини ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши, ишга киришда, бошқа лавозимга ўтказилаётганда ва йил якунига кўра эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларацияларни тўлдириш **мажбурияти** кўрсатилди.

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги **махсус ваколатли давлат органи** этиб белгиланди ва ушбу соҳадаги ваколатлари тасдиқланди.

Хусусан, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда, битимни бекор қилиш, қарорни ҳамда бошқа ҳужжатни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ташкилотларга тақдимнома ёхуд уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво киритади, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузади ва уни кўриб чиқиш учун судга юборади.

**Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси (22.09.1994 йил)га манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модда (193<sup>4</sup>-модда) киритилди.**

Бундан ташқари, давлат органлари ёки бошқа ташкилотларнинг, ушбу ташкилотлар махсус бўлинмалари (коррупцияга қарши ички назорат ва (ёки) кадрлар бўлинмалари) ҳамда Одоб-ахлоқ комиссияларининг **ваколатлари** белгиланди. Жумладан:

**давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар** манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор қилиш тизимини, шунингдек, одоб-ахлоқ комиссиялари ва махсус бўлинмалар фаолиятини ташкил этади, манфаатлар тўқнашувига йўл

қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорларни белгиланган тартибда ўзгартиради ёки бекор қилади, битимларни ўзгартиради ёки бекор қилади ёхуд бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида белгиланган тартибда судга даъволар билан мурожаат этади;

**махсус бўлинмалар** Қонун талабларини бузган ходимга нисбатан хизмат текширувини ўтказиши, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация ва мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномаларни кўриб чиқиб, Одоб-ахлоқ комиссиясига таклифлар киритади, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарлар муносабати билан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса беради;

**Одоб-ахлоқ комиссиялари** ходимлар томонидан ушбу Қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, хусусан, ходимлар томонидан мазкур Қонунда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш чораларини кўради, ушбу чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади, мавжуд манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳоллар устидан коллегиял назоратни амалга оширади, хизмат текшируви натижаларига кўра хулоса чиқаради ва ташкилот раҳбарига таклиф киритади.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 9-моддаси 2-қисмига мувофиқ, **Агентлик директорининг** “Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги **буйруғи (05.11.2024 йил, рўйхат рақами 3569)** тасдиқланди.

Бунда ишга қабул қилинаётган номзод, шунингдек, бошқа ишга ўтказилган ходим (шунингдек, алоқадор шахслар) томонидан Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация, манфаатлар тўқнашуви вужудга келганда ходим томонидан Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома тўлдирилади. Мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрига киритилади.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувида манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини ўрнатиши билан бир қаторда давлат хизматчилари ҳалоллигини, улар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишга ёрдам беради. Бу эса фуқароларнинг давлат бошқарувида бўлган ишончини оширишга ва ижтимоий адолатнинг мустаҳкамланишига замин яратади.





## “ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОН МАЗМУНИ ҲАҚИДА

Умида ТУХТАШЕВА

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директор ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор

”

Коррупцияга қарши курашиш агентлигида 60 фоиз фуқаролик жамияти вакиллари билан иборат Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг аҳамияти ва роли янада ортиб бормоқда. Фуқаролик жамияти вакиллари нафақат жамият ва давлат ҳаётига жалб этилмоқда, балки уларнинг ўзи ҳам фаол ташаббус кўрсатмоқда. Бу, айниқса, коррупцияга қарши кураш масалаларида тобора ёрқинроқ намоён бўла бошлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фуқаролик жамияти институтларининг коррупциянинг олдини олишдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш учун зарурий ҳуқуқий асосларни яратиш борасидаги сиёсий иродаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунлар, “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонларида ўз ифодасини топган.

Ушбу норматив ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш вазифаларини амалга ошириш учун пойдевор яратди.

Айни шу мақсадда агентлик фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат сектор вакиллари билан турли йўналишларда, жумладан, жамиятда коррупцияга нисбатан



мурасасизликни кучайтириш, коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабабларини, шунингдек, коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашишда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Асосийси, бу борада давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга оид институционал асосларни яратиш бўйича концептуал қадамлар қўйилди.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигида 60 фоиз фуқаролик жамияти вакиллари билан иборат Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Кенгаш аъзолари коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар режаларини мониторинг қилиш ва баҳолашда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдиришда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва инновацияларни жорий этишда фаол иштирок этади.

Шу билан бирга, кенгаш аъзолари давлат органларининг бошқа жамоат кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиб, уларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш воситалари билан танишиш самарадорлиги ва салоҳиятини оширишга кўмаклашади. Масалан, Агентлик Жамоатчилик кенгаши ташаббуси билан Соф-

лиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятининг соҳадаги долзарб муаммолар ва соғлиқни сақлаш тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш ҳолатини баҳолаш бўйича эшитуви ўтказилди.

Жамоатчилик вакиллари давлат органларининг коррупцияга қарши сиёсатининг очиқлигини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш жараёнига, шунингдек, ушбу жараёнларни баҳолаш бўйича эксперт комиссиялари таркибига фаол жалб қилинмоқда.

Мисол учун, коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги рейтингини мустақил баҳолаш бўйича эксперт гуруҳи таркибида иштирокчиларнинг 33 фоизини, очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш бўйича комиссия аъзоларининг эса 18 фоизини фуқаролик жамияти вакиллари ташкил этади.

Шубҳасиз, жамоатчиликнинг коррупциянинг олдини олиш жараёнларидаги сифатли иштирокини таъминлашнинг асоси фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим жараёнларини ривожлантиришга қаратилган зарур чораларни кўришдир. Шу боис халқаро стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси билан танишиш мақсадида халқаро экспертлар ва хорижий давлатларнинг фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида тизимли равишда тренинглар ўтказилмоқда.



”

**...жамоатчилик кенгашлари том маънода аҳоли ва давлат органи ўртасида “кўприк” вазифасини ўтамоқда**

Хусусан, журналистлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва блогерларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги салоҳиятини ошириш, вазирлик ва идоралар ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш, коррупцияга қарши кураш воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини бойитишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда аксилкоррупция соҳасида илк мартаба ўтказилган халқаро медиафорум, яқинда бўлиб ўтган IV Тошкент аксилкоррупция форуми ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилди. Буни 2024 йил ноябрь ойида Қозоғистонда бўлиб ўтган БМТ Коррупцияга қарши Конвенциясининг Марказий Осиёдаги имплементациясини жадаллаштириш бўйича Минтақавий платформа йиғилишида кўришимиз мумкин. Йиғилишда юртимизда фаолият юритаётган

жамоатчилик кенгашлари давлат органлари очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдаги ўрнига алоҳида урғу берган ҳолда Марказий Осиё республикаларидаги жамоатчилик кенгашларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, доимий маслаҳатлашув ва мулоқотлар ўтказиб бориш бўйича таклифлар берилди.

Қолаверса, бу йил май ойига қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари томонидан **31 та** семинар ташкил этилди. Мазкур семинарларга 24 нафар хорижий экспертлар жалб қилинди ва жами 540 та ННТ вакиллари қамраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси доирасида ўқув дастурига “Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жамоатчилик мониторингини ташкил этиш” мавзуси киритилди.

Айтиш керакки, кенг жамоатчиликнинг билими ва хабардорлигини ошириш фуқаролик

жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш имконини беради. Бу нафақат жамиятнинг коррупцияга қарши курашдаги иштироки ва жамоатчилик назоратини оширади, балки давлат органларининг жамият олдидаги жавобгарлигини кучайтирувчи омил бўлади. Шу боис бу борадаги ишлар мунтазам давом эттирилади.

Мамлакатимиз Президентининг **“Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони** фуқаролик жамияти институтлари вакиллари янги ташаббуслар учун янада куч ва рағбат бергани шубҳасиз. Чунки унда давлат ва жамият тараққиётида уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш ҳамда саъй-ҳаракатларини муносиб қўллаб-қувватлашга қаратилган катта имкониятлар, муҳим имтиёзлар белгиланди.

Фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнларини рақамлаштириш асосий вазифалардан бири этиб белгилангани бунга мисол. Сир эмас, танловларда иштирок этиш учун аризалар бериш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, ғолибларни танлаш, молиялаштириш, жорий ва якуний мониторинг каби жараёнларда инсон омили қанча кўп бўлса, холислик, адолат ва соғлом рақобатга ишонч даражаси шунча паст бўлади. Бундай шароитда қоғозбозлик, расмиятчилик, турли оврагарчилик ва бюрократик тўсиқларга, коррупцияга тўқнаш келиш мумкинлиги ҳам масаланинг яна бир оғриқли томонидир.

Шу нуқтаи назардан Фармон билан эндиликда фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларни ягона электрон платформа орқали амалга ошириш кўзда тутилгани, аввало, очиқликни таъминлашга, илғор ташаббусларни илгари суриш борасида рақобатни янада кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларига муайян имтиёзлар берилаётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Масалан, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши, ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланиши ва унинг натижалари эълон қилиниши, жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши белгиланиши давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилишига, уларнинг фаолиятида шаффофлик ва очиқлик тамойиллари янгича кўринишда намоён бўлишига замин яратади.

Дарҳақиқат, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ўрганиш, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар бериб борилмоқда.

Жумладан, яқинда ўтказилган ўрганиш доирасида 70 дан ортиқ давлат органлари ва



ташкilotлар, шу жумладан, қуйи бўғиндаги ижро органлари – маҳаллий ҳокимликлар ҳам қамраб олинди.

Бунда давлат органида Жамоатчилик кенгашларини шакллантиришга оид меъёрларга амал қилинганидан тортиб кенгашлар тўғрисида очиқ маълумот сифатида расмий веб-сайтга жойлаштирилиши керак бўлган маълумотлар ва уларнинг янгилаб борилиши кўриб чиқилди.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Жамоатчилик кенгашлари том маънода аҳоли ва давлат органи ўртасида “кўприк” вазифасини ўтамоқда. Жамоатчилик кенгашлари таркибига намунали хизмат кўрсатган

меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкilotлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинганлиги давлат органларининг фуқаролик жамияти вакиллари билан мулоқотда доим тайёр эканини кўрсатмоқда.

Бу ва бошқа чора-тадбирлар янги Ўзбекистоннинг янги сиёсати самараси бўлиб, унда ислохотларни инсон манфаатлари йўлида амалга ошириш, коррупциядан холи жамият тараққиётини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.